

369

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

№ БД – 5310900 – 4.03



2018 йил «18» 08

2018 йил 08

СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	300 000 – Ишлаб чиқариш техник соҳа
Таълим соҳаси:	310 000 – Муҳандислик иши
Таълим йўналиши:	5310900 – Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (саноат)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” 08 даги 744 сонли буйруғининг 6-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” 08 даги 4 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат техника университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Машарипов Ш.М. “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси кат.ўқ.

Эргашев Ф.А. – “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси кат.ўқ.

Такризчилар:

Шипулин Ю.Г. – ТДТУ, “Ахборотларга ишлов бериш ва бошқариш тизимлари” кафедраси профессори, т.ф.д.;

Тўраев Ш.А. – ЎзР ОЎМТВ Илмий тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, доцент, т.ф.н.

Фан дастури Тошкент давлат техника университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” 06 даги 9 - сонли баённома).

1. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастур корхона ва ташкилотларда сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этилган сифат менежменти тизимларини сертификатлаштиришда аудит ўтказиш, аудит турлари, ўтказиладиган ва ўтказилган ички аудит натижаларини таҳлил қилиш, таҳлили натижалари асосида сифат менежменти тизими мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш тартиблари, фан тарихи ва ривожининг тенденцияси, истиқболи ҳамда республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохатлар натижалари ва сертификатлаштириш соҳасидаги халқаро, ҳудудий муаммоларнинг сертификатлаштириш истиқболига таъсири масалаларини қамраб олади.

Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий (олий математика, назарий механика) ва умумкасбий (маҳсулот сифати назорати ва синов қурилмалари, сертификатлаштириш жараёнларида аккредитлаштириш идоралари, стандартлаштириш, метрология, электроника, электротехника, иссиқлик техникаси асослари ва ҳ.к.) фанларини билишга асосланади.

2. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда сифат менежменти тизимини ривожланиш истиқболлари, сифат менежменти тизимининг пайдо бўлиш тарихи ва унинг ривожланиши ҳамда ҳозирги даврдаги аҳамияти, республикамизда сифат менежменти тизимини корхоналарда жорий этиш ва сертификатлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар, сифат менежменти тизимини корхоналарда ишлаб чиқиш ва жорий қилиш тартиби ва уларга қўйилган талаблар ва менежмент тизимлари билан уйғунлаштириш, сифат менежменти тизими, ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш асослари ва уларни муайян шароитларга мос ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш технологиялари хусусиятига хос

сертификатлаштириш тартибларини танлаш бўйича йўналиш ихтисослигига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси – талабаларга сифат менежменти тизимларини корхоналарда ишлаб чиқиш ва жорий этиши ҳамда сертификатлаштириш, тартиб-қоидалари, сифат менежменти тизимини сертификатлаштиришнинг меъёрий ва ташкилий асослари, сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш идоралари, уларнинг фаолияти, сифат менежменти тизимларини сертификатлаштиришда халқаро стандартлар, сертификатлаштирилган сифат менежменти менежменти тизимлари фаолияти устидан инспекцион назорат ўтказиш ва маълум шарт-шароитлар учун сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш дастурларини ишлаб чиқишни ўргатишдан иборат.

3. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-Модул. Сифат менежменти тизими ва уни сертификатлаштириш бўйича асосий маълумотлар

1-мавзу. Кириш. Сифат менежменти тизими ва уни сертификатлаштириш фанининг мақсади ва вазифалари. Сифат ва сифат менежменти тизими тушунчалари.

2-мавзу. Сифатни бошқаришни аҳамияти ва долзарб масалалари. Сифатни бошқариш рақобатчиликда корхона муваффақият қозонишининг омили сифатида. Сифатни оширишнинг аҳамияти. Бозор иқтисодиёти шароитида сифатни бошқариш тизимларини жорий этишнинг долзарб масалалари

2-Модул. Сифат менежменти тизими тарихи ва базавий стандартлар

3-мавзу. Сифат менежменти тизимини ривожланиш тарихи. Сифатни бошқариш тизимини ривожланиш тарихи. Сифат менежменти намоёндалари. Ривожланиш тенденциялари.

4-мавзу. Сифат менежменти тизимининг базавий стандартлари ва концепциясини ривожланиш босқичлари. Сифат менежменти тизими ва менежмент тизимлари билан ўзаро

боғлиқлиги ва уларга талабларни белгиловчи халқаро стандартлар. Сифат менежменти тизими концепцияси ва умумий қоидалари

3-Модул. ISO 9000 серияли стандартлари талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимлари

5-мавзу. ISO 9000 сериясидаги стандартларни яратилиш зарурияти. Сифат менежменти тизимининг зарурияти, мақсади ва вазифалари. ISO 9000 серияли стандартларининг пайдо бўлиши ва яратилиш тарихи. ISO 9000 серияли стандартларнинг қисқача тавсифи

6-мавзу. Сифат менежменти тизими тамойиллари. Истеъмолчи талабларига мослашиш. Лидерлик. Инсонларнинг ўзаро муносабати. Жараёнли ёндашув. Яхшиланш. Фактларга асосланган қарорлар қабул қилиш. Ўзаро муносабатлар менежменти.

4-Модул. Сифат менежменти тизимини ҳужжатлаштириш ва ресурсларни бошқариш

7-мавзу. Сифат менежменти тизимида ҳужжатлар. Сифат менежменти тизимининг ҳужжатлари тузилмаси. Сифат бўйича қўлланма

8-мавзу. Ресурслар ва уларни самарали бошқаришга қўйилган талаблар. Ресурслар бўйичага умумий қоидалар. Ресурс турлари ва уларни бошқариш.

5-Модул. Маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш

9-мавзу. Маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш ва лойихалаштириш. Маҳсулотни ишлаб чиқаришни режалаштириш. Истеъмолчилар билан боғлиқ жараёнлар. Лойихалаштириш ва ишлаб чиқиш

10-мавзу. Жараёнларни бошқаришни мониторинг олиб бориш қоидалари. Номувофиқ маҳсулотлар устида ишлаб принциплари. Мониторинг ва ўлчашлар. Чқи аудитни

режалаштириш ва ўтказиш. Жараёнлар ва маҳсулот мониторинги ва ўлчашлар. Номувофик маҳсулотларни бошқариш. Маълумотларни таҳлил қилиш.

6-Модул. Корхона ва ташкилотларда сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш, сертификатлаштириш ва жорий этиш

11-мавзу. Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш босқичлари. Сифат менежменти тизимини жорий қилишда ISO бўйича ёндашувлар. Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун зарурий ҳаракатлар. Корхонада СМТ жорий этишнинг жараёни ёндашиш асосидаги алгоритми.

12-мавзу. Сифат менежменти тизимида сертификатлаштириш ва жорий қилиш. Сифат соҳасидаги сиёсат ва мақсадларни ишлаб чиқиш. СМТ чиқиш, сертификатлаштириш ва жорий қилиш.

7-Модул. Сифат менежменти тизими аудити.

13-мавзу. Сифат менежменти тизимида аудит тушунчаси ва унинг хусусиятлари. Аудитни мақсад ва вазифалари. Аудитни синфланиши ва турлари. Аудит турлари. Иккинчи ва учунчи томон аудитлари.

14-мавзу. Аудитни режалаштириш ва ўтказиш босқичлари. Аудит тамойиллари. Этик ҳулқ. Холислик. Профессионал кузатувчанлик. Мустақиллик. Фактларга асосланиш. Режа дастурини ишлаб чиқиш. аудит гуруҳининг раҳбарини тайинлаш; мақсадлар, соҳалар ва мезонларни аниқлаш; аудитни бажариб бўлиш-бўлмаглигини аниқлаш; аудит бўйича гуруҳни аниқлаш; текшириладиган ташкилот билан бирламчи алоқани боғлаш дастлабки йиғилишни ўтказиш;- аудит вақтида маълумот алмашиш; бирга юривчи ва кузатувчи шахсларнинг роли ва жавобгарлиги; маълумот тўплаш ва текшириш; аудит кузатувларини олиш; аудит натижалари бўйича ҳужжатлар тайёрлаш;- йиғилишни ўтказиш.

4. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академ. гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Сифат менежменти тизими тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш. Сифат менежменти намоёндалари, сифатни бошқариш тизимини ривожланиш тарихи.
2. Сифат менежменти тизими тамойиллари ва умумий қоидалари
3. Сифатни бошқариш учун шарт-шароитлар, сифатни бошқариш босқичлари
4. Маҳсулот сифат кўрсаткичлари ва уларнинг классификацияси
5. Маҳсулот сифатини бошқаришда халқаро тажриба.
6. ISO 9000 серияли стандартлари талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимларини шарҳлаш.
7. Халқаро стандартлар асосида сифатни бошқариш тизими соҳасида қонун ва қонуности ҳужжатларни ўрганиш
8. Жараёни ёндашувни ўрганиш.
9. Жараёнлар карталари.
10. Сифат менежменти тизими ҳужжаларининг ISO 9001:2015 талабларига мувофиқлиги баҳолаш
11. Сифат менежменти тизими ҳужжатлари
12. Сифат соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш
13. Сифат соҳасидаги мақсадни ишлаб чиқиш
14. O'z DSt ISO 9001:2015. Сифат менежмент тизимини таҳлил қилиш

7. Мустақил таълим ва мустақил ишлар бўйича курсатма ва тасвиялар

“Сифат менежменти тизими” бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услубий ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган.

Талабалар аудитория машгулотларида профессор-ўқитувчиларнинг маърузасини тинглайдилар, мисол ва масалалар ечадилар. Аудиториядан ташқарида талаба дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект қилади, уй вазифа сифатида берилган мисол ва масалаларни ечади, лаборатория машгулотининг хисоботини тайёрлайди. Бундан ташқари айрим мавзуларни кенгроқ ўрганиш мақсадида қўшимча адабиётларни ўқиб рефератлар тайёрлайди ҳамда мавзу бўйича тестлар ечади. Мустақил таълим натижалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари

1. Парето таҳлили. Жараёнларнинг статистик назорати (SPC)
2. Назорат карталари. Матрицали таҳлил ва маълумотларни йиғиш варақлари
3. Сифат соҳасидаги мукофотлар моделлари
4. SWOT-таҳлил ва FMEA-таҳлил услублари
5. Тежамкорлик ишлаб чиқариши услуби. Олти сигма услуби
6. Кўрсаткичлари балансланган тизими услуби
7. Маҳсулотнинг ҳаётий цикли жараёнлари
8. Хизмат ҳаётий цикли жараёнлари.
9. Сифат менежменти тизими ишчи ҳолатини холисона далиллари ва уни баҳолаш
10. Сифат менежменти тизими ҳужжатларини датлабки текшируви ва уни сертификатлаштириш
11. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш умумий қоидаларини ўрганиш
12. Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш
13. O'z DSt ISO 9004:2014 стандарти асосида сифат менежменти тизимига ёндашув таҳлили.

14. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштиришни ўтказиш шароитларига талабларни таҳлил қилиш.

15. Соғлиқ хавфсизлигига доир сифат менежменти. Уларга қўйиладиган асосий талаблар O'z DSt OHSAS 18001:2011

16. Сертификатлаштириш идораларига қўйилган талаблар ва менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораларини аккредитацияга тайёрлаш (O'z DSt ISO/IEC 17021:2009)

17. O'z DSt ISO 14001:2009 стандартини таҳлил қилиш

18. Менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораларини фаолиятини ҳужжатлари ва ҳужжатлаштирилган процедуралари, сифат бўйича қўлланмаси ишлаб чиқиш тартиби

19. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш

20. Сифат менежменти тизимида хориж тажрибаси.

Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлари ва ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Исмагуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. “Ўзбекистон” Тошкент, 2001.
2. Исмагуллаев П.Р., Ахмедов Б.М., Матякубова П.М., Хамрокулов Ф.Х., Тураев Ш.А. Сифат менежменти тизими ва уни сертификатлаштириш. Дарслик. Тошкент, Sano-standart, 2014. – 330 б.
3. Абдувалиев А.А. и др. Основы стандартизации, сертификации, метрологии и управления качеством продукции. Учебное пособие. - Ташкент: Издательство ТГТУ, 2002. - 287 с.
4. Ахмедов Б.М., Исмагуллаев П.Р., Тураев Ш.А. Сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш асослари: 5521600 – “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” ва 5524300 – “Маҳсулот сифати менежменти (маҳсулот турлари бўйича)” йўналишлари бакалаврият талабалари учун ўқув қўлланма. ЎЗР ОЎМТВ; ТДТУ. - Тошкент, 2007. -233 б.
5. Ахмедов Б.М., Исмагуллаев П.Р., Туробжонов С.М., Юсупов Э.Д., Тураев Ш.А. Основы системы менеджмента качества. Изд-во ИПТД «Ўзбекистан», - Ташкент, 2009. –208 с.

6. Ахмедов Б.М., Абасов А.А. Система менеджмента качества – основа конкурентоспособности. Изд. «Асп-Матбуот». 2004. 96с.

7. Исмагуллаев П.Р., Кодирова Ш.А. Метрология асослари. Ўқув қўлланма. “Тафаккур” нашриёти, –Тошкент, 2012. -304 б.

8. Круглов, М.Г. Менеджмент качества как он есть / М.Г. Круглов, Г.М. Шишков. - М.: Эксмо, 2007. - 544 с;

9. Спицнадель В.Н. Системы качества. Учебное пособие. Изд.дом «Бизнес-пресса». 2000. -328 с.

10. Крылова Г.Д. Основы стандартизации, метрологии и сертификации. Учебник для студентов вузов. -М.: Издательство стандартов, -1998. - 497 с.

11. Трофимов, А.В. Аудит качества: учебное пособие / А.В. Трофимов. – Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2009. – 96 с. – 100 экз.

12. Никитин В.А. Управление качеством на базе стандартов ISO 9000-2000. 1-издание Теория и практика менеджмента. Из-во Питер, 2004г. – 272с.

13. Никитин В. А., Филончева В. В. Управление качеством на базе стандартов ИСО 9000:2000. 2-издание Политика. Оценка. Формирование. Теория и практика менеджмента. Из-во Питер, 2004г. – 127 с.

14. Менеджмент качества экспорта: Книга ответов для предприятий-экспортеров малого и среднего бизнеса. – Б.: Аль Салам, 2005.-318 с. (Секреты торговли)

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси. 2017 й., 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2017. - 46 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Сертификатлаштириш ва Аккредитациялаш миллий тизимининг асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлари.

4. “Все о качестве” сифат тизимларини қўллаш бўйича китоблар тўплами (15 та ҳар хил мазмундаги).

5. “Standart” илмий-техникавий журнали, “Ўзстандарт” Агентлиги.

6. “Стандарт и качества” илмий-техникавий журнали, Россия Федерацияси.

7. “Партнеры и конкуренты” илмий-техникавий журнали, Россия Федерацияси.

8. “Методы менеджмента качества” илмий-техникавий журнали, Россия Федерацияси.

Интернет сайтлари

1. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий сайти.

2. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

3. <http://www.standart.uz> – “Ўзстандарт” агенлиги

4. <http://www.smsiti.uz> - Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти

5. <http://www.easc.org.by> – Межгосударственный Совет по стандартизации, метрологии и сертификации Содружества Независимых Государств.

6. <http://www.zivonet.uz> – Таълим портали

7. <http://www.window.edu.ru> – Бутун Россия таълим портали

8. <http://www.kpms.ru>

9. <http://www.quality.eup.ru>